O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 11 март, чоршанба • № 20 (11.003) • Эркин нархда сотилади

Навруз

ФАОЛ БОШЛАНИБ КЕТДИ

ОЛМАЛИҚЛИКЛАР Наврўз байрамига тайёргарлик ишларини кенг кўламда бошлаб юбордилар. Баҳор айёмини барча меҳнат жамоаларида мазмунли ва ҳар томонлама маroқли нишонланиши учун махсус хайъатлар тузилди. Шаҳар бўйича тузилган ҳайъат аъзолари эса жойларда бўлиб, олиб борилаётган ҳозирлик ишларини назорат қилмоқдалар, зарур бўлса маслаҳатлар бермоқдалар.

Ҳамма саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларда халқимизнинг анъанавий айёми худудларни саранжом-саришта қилиш, кенг кўламда ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишларини амалга ошириш билан кутиб олинмоқда. Ҳафтанинг ҳар шанбасида ҳамма жойда ҳашарлар ўтказилмоқда. Унда иштирок этаётган минглаб шаҳар аҳолиси кўчалар, майдонлар ва хиёбонларни турли чиқиндилардан тозаламоқдалар, сув оқадиган ариқ-каналларни тартибга келтирмоқдалар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга, гулзорлар барпо этишга киришмоқдалар.

Шаҳарда асосий байрам шодиёналари ҳар йилгидек марказий майдонда бўлиб ўтади. Бу ерда Наврўз куни халқимизнинг қадимий анъанавий маросими эканлиги, унинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида маърузалар тингланади. Катта ярмарка ташкил этилади. Унда озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи ўнлаб дўконлар байрам қатнашчиларининг хизматида бўлади. Қўшни қишлоқ туманлари деҳқонлари мева-сабзавот ва бошқа ноз-неъматлар билан савдо уюштирадилар.

Шу майдонда бешта саҳнада байрам тадбирлари эрта тонгдан кечгача давом этади. Уларнинг бирида ўзбек халқига мос миллий урф-одатлар намойиш қилинади, иккинчиси миллий маданий марказ ихтиёрига берилади. Яна бирида шаҳарнинг ёш фуқароларига мўлжалланган чиқишлар бўлади, қўғирчоқ театри ўз спектакларини қўяди. Қолганларида бадиий ҳаваскорлик дасталари дилрабо қўшиқлар ва рақслар билан байрам тантаналарига файз киритадилар. Турли спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Гимнастика, миллий кураш ва бошқа спорт турлари бўйича беллашувга Сирдарё вилояти, Пскент, Оҳангарон, Бўка вакилларининг келиши кутилмоқда. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун қўй, радио аппаратуралари, телевизорлар, гиламлар ва бошқа қимматбаҳо совринлар тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, "Металлург" ва "Кимёгар" маданият саройларида профессионал санъаткорлар иштирокида концертлар уюштирилади. Шаҳар бўйича кам таъминланган уч юзта оилаларга турли совғалар тарқатиш, моддий ёрдам бериш назарда тутилмоқда. Бунинг учун шаҳардаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, тадбиркорлик тузилмалари маблағлар ажратдилар.

Мирсобир МАҲМУДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1971 — 1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1998 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 март.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ДАСТУР ИШЛАЙ БОШЛАДИ

***ВИЛОЯТИМИЗДА** аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш жойлари очиш, айниқса, ёшларни банд этиш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда.*

Шу кунларда вилоятда яна бир муҳим ҳужжат — Тошкент вилоятининг 1998 йил биринчи ярим йиллигига белгиланган "БАНДЛИК ДАСТУРИ" ишлай бошлади.

Вилоят ҳокимлиги, шаҳар, туман ҳокимликлари, вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ҳамкорликда ишлаб чиққан бу дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокими махсус қарор қабул қилди.

Дастурнинг кўлами кенг. Унда давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, нодавлат мулк шаклари, давлат корхоналари сонининг қисқариши, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тизилмасининг ўзгариши ҳисобига бу тармоқларда ишловчилар сонининг камайиши ва ортиқча кучларнинг кўпайиши ўз аксини топган.

Энг муҳими жойларда амалга ошириладиган ишларнинг иқтисодий таҳлили, сарф қилинадиган маблағ ва бошқа иқтисодий муносабатлар аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, 1998 йилнинг биринчи ярмида вилоятда 52 мингдан ортиқ кишиларга талаб тушиши кутилмоқда. Уларни касб билан таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинади. Салкам 17 минг янги ўринлар очилади. Мингдан ортиқ вақтинчалик бекор қолганлар янги касблар бўйича ўқитилади ва кўмак олади. Дастурда, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини очишга алоҳида эътибор берилган.

Ф. ҚУДРАТОВ.

ТАРАДДУД

АНГРЕНДАГИ "Меҳрибонлик" болалар уйи тарбияланувчилари Наврўз байрамига тайёргарликни авж олдириб юбордилар. Бу ерда болалар иштирокида "Ассалом, Наврўз!" шиори остида катта фольклор-этнографик дастури тайёрланмоқда. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва касаба уюшмалари маданият маркази байрам арафасида совғалар топшириш режалаштирдилар. Болалар ўз ҳовлиларини боғ ва гулзорга айлантириш учун илиқ кунлар келишини орзиқиб кутишяпти.

Бошқа меҳнат жамоаларида ҳам бадиий ҳаваскорлар ва санъаткорлар, халқ ҳунармандлари кўриклари ўтказилади, оилавий дасталар ва фольклор-этнографик гуруҳлар иштирокида байрамга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

МАҲАЛЛАДА ҲОЗИРЛИК

***ХАЛҚИМИЗ** соғиниб кутаётган Наврўз айёми яқин. Бу қутлуғ шодиёнага Янгийўл шаҳрининг "Ромидон" маҳалласида ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Маҳалла фаоллари байрам олдидан қатор хонадонларда бўлиб, уларда истиқомат қилувчиларнинг аҳволи билан танишдилар. Тантана кунларида моддий қўллаб-қувватланадиган, совғалар топшириладиган оилаларни аниқладилар.*

Байрам дастурхонини ёзишда, совғаларни тайёрлашда бу ҳудуддаги хусусий дўконлар, фирмалар ходимлари ҳам иштирок этадилар.

СУРАТДА: маҳалла фаоллари — (чапдан ўнгга) С. Қоратоева, Х. Мамадалиев, Р. Комилова, Х. Кўканбоев, М. Ибрагимовалар ўзаро суҳбатда.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

"ЭКОСАН" ҲИСОБИГА ЎТКАЗИЛДИ

АНГРЕНДА "Экология ва саломатлик кунлари" самарали ўтди. Сўнги ойларда экологик вазиятни таъминлаш, аҳоли истиқомат қилаётган жойларнинг санитария ҳолатини, ободонлаштириш ва атроф муҳитнинг мусаффолигини яхшилашга қаратилган ва бошқа ҳайрли тадбирлар амалга оширилди. Шу мақсадда ўтказилган шанбаликларда жамғарманинг шаҳар бўлими ҳисобига 300 минг сўмдан зиёд сармоя тушди.

Бўлим бу маблағни табиатни муҳофаза қилиш ишларига сарфлади. Жумладан, шаҳар коммунал хўжалигига 210 минг сўмлик 30 та контейнерлар тайёрлаб берилди. Улар қатор даҳаларга қўйилди. Натижада чиқиндилар ва супуриндиларнинг илгаригидек сочилиб ётиши ва узоқ муддат туриб қолишини бартараф этишга эришилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАЖГА БАРОБАР ҲИММАТ

Қўшбой отани эл ишига камарбаста, ғайрат-шижоатли ва саховатпеша киши сифатида нафақат Оҳангарон воҳаси, балки, вилоятимизда ҳам яхши билишади. Ангрен олтин кони соқчилик бўлинмасида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган бу инсон жамоат ишларида ҳам фаол. Отахоннинг ташаббуси билан Гўшсой қишлоғи йўллари асфальтланди, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Саховатни қаранг-ки, отахон Наврўз арафасида 34-"Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига шахсий жамғармасидан 5 минг сўм пул инъом қилди.

Қўшбой отанинг фарзандлари ҳам халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишади, ғалла экишади, чорва билан шуғулланишади. Оқил фарзандлар отага муқаддас Ҳаж зиёратини таклиф қилишганида, у рози бўлмади. Шахсий жамғармасидаги маблағларни дастлаб маҳалладаги муҳтож оилаларга улашди. Кейинроқ Оҳангарондаги вилоят қариялар уйида яшовчи қариялларнинг кўнглини олди. У Ангрендаги "Меҳрибонлик уйи"да ҳар йили Наврўзни байрам қилиб беради. Бу ерда тарбияланувчиларнинг суннат тўйини ўтказади. Уларнинг бир неча нафарини ўз васийлигига олиб, банкда улар номига омонат дафтарчасини очди. Қўшбой ота айни пайтда "Меҳрибонлик уйи"да қўй сўйиб, болаларга яна "Наврўз" байрами қилиб бериш тараддудида.

Неъмат ДУШАЕВ.

ҚАРОРНИНГ ИЖРОСИ

МАЪЛУМКИ, 1996 йилда республика Вазирлар Маҳкамаси футболни ривожлантириш ва оммавийлигини янада оширишга қаратилган муҳим қарор қабул қилган эди. Хўш, у жойларда қандай бажарилмоқда?

Вилоят ҳокимининг шу йил 26 февралдаги "Тошкент вилоятида 1997 йилги футбол мавсумининг якунлари, янги мавсумга тайёргарлик кўриш ҳамда вилоятда футболни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нафақат юқоридаги вазифалар, балки, бу борадаги ишларни янада оммалаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилди.

Шуни дадил айтиш мумкинки, вилоятимизда футбол тобора оммавийлашиб бормоқда. Ўтган йили Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида вилоятимиздан битта, биринчи лигада бешта жамоа иштирок этди. 1998 йилдан бошлаб Бекободнинг "Металлург" жамоаси ҳам "Дўстлик" билан бирга олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шаҳар ва туманларда кўплаб янги ўйингоҳлар барпо этилди, қайта таъмирланди.

Қарорда ютуқлар билан биргаликда айрим шаҳар ва туманларда футболнинг оммавийлигини таъминлаш, иқтидорли ёш ўйинчиларни тарбиялаш, жамоаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан етарли ишлар қилинмаётганлиги ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Айниқса, Янгийўл ва Паркент туманларида бу масалага эътибор суст бўлди.

Қарор ижроси билан кучлидир. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокими томонидан 1998 йилги футбол мавсумига тайёргарликни кучайтириш юзасидан барча шаҳар ва туман ҳокимликларига, бўлим, бошқармаларга аниқ вазифалар юклатилди. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, вилоятимиздаги қатор корхона, ташкилот ва муассасалар бу йил ҳам футбол жамоаларини моддий қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқдилар.

Шундай қилиб, вилоятда миллионлар севган ўйин — футболни ривожлантириш юзасидан олға яна бир қадам ташланди.

М. ФАТТОҲОВ.

МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ

"Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Президент фармони шу соҳа ходимларида мамнунлик уйғотди. Бу бежиз эмас. Тозалик, озодалик таъминланган, санитария шифокорлари, коммунал хизмат ходимлари ўз бурчларини ҳалол бажарган жойларда инсон саломатлиги хавф-хатардан ҳоли бўлади. Юқумли касалликларнинг олди олинади.

Шу жиҳатдан, мазкур фармоннинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Вилоят бош давлат санитария шифокори Рауф ҚОСИМОВ шу хусусдаги қатор саволларимизга жавоб берди.

— Рауф ака, мазкур фармоннинг моҳиятини сиз шифокор сифатида қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

— Фармоннинг мамлакатимиз халқи ҳаётида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки, сўнгги икки-уч йил ичида қатор вилоятларда, шу жумладан, бизнинг ҳудудимизда ҳам санитария қонунлари, тартиб-қоидаларига риоя этиш бирмунча сусайди. Матбуот чиқишларида, радио эшиттиришлари, телекўрсатувлардан ҳам сезилиб турибдики, санитария-эпидемиология станциялари ходимларининг тинимсиз назоратларига қарамай, жойларда орасталикка етарли эътибор берилмаяпти. Аҳоли масканларини ахлат уюмларидан тозалаш, сув манбаларини санитария маромида сақлашда камчиликлар кўп. Шаҳар ва туманларнинг эпидемияга қарши фавқулодда комиссиялари олиб бораётган йиғилишлар, тозаликка риоя этмаган шахсларга нисбатан белгиланган жарималар ҳам кутилган самараларни бермаяпти. Оқибатда юқумли касалликларнинг олдини олиш, эпидемияга қарши кураш борасидаги тадбирлар кўнгилдагидек бажарилмай қоляпти. Жигар, ўткир ичак касалликларига чалиниш ҳоллари аввалги йилдагига нисбатан кўпайди.

Фармоннинг муҳим жиҳати — санитария қонунчилигини мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар ҳокимларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига алоҳида масъулият юклатилганлигидадир. Чунки, қаерда биринчи раҳбар жавобгарлик ҳис этса, ўша ерда иш яхши кетишлигини тажриба кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги хусусида ҳам фармонда керакли қоидалар ўз ифодасини топган. Демак, ундаги талаблар мансабдор шахсга ҳам, оддий фуқарога ҳам

Муносабат

тенг тегишлидир.

Илгари мансабдор шахсларга жарималар деярли белгиланмас эди. Мазкур фармонда эса санитария қонунларини бузганлик учун мансабдор шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорини, карантин қилинган касалликлар ёки инсон учун хавфли бошқа хасталиклар пайдо бўлиши ё тарқалишининг олдини олиш учун белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача, фуқаролар эса беш баравари миқдорида жарима тўлайдилар.

— Фармондан келиб чиқиб, вилоятдаги санитария аҳволига баҳо бера оласизми?

— Юқорида вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш даражаси паст эканлиги ҳақида тўхталган эдик. Хусусан, Чиноз, Бўка, Зангиота, Янгийўл туманлари, Янгийўл шаҳри ҳудудларида санитария қоидаларига амал қилинмаётганлиги тўғрисида кўп гапириляпти, лекин амалда ўзгаришлар йўқ. СЭС ходимларининг кўраётган чоралари беҳуда кетяпти. Эндиликда мазкур шаҳар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари раҳбарлари тозаликка, санитария қонунчилигига амал қилишга жиддий эътибор берадилар, деб умид қиламиз.

— Тизимингиздаги муассасаларнинг бундан буёнги режалари ҳақида нима дея оласиз?

— Фармон санитария ходимлари учун муҳим дастур. У бизга катта ҳуқуқ берди. Фақат тўғри ва изчил назорат олиб бориш, ишга холис ва одил ёндошишимиз керак. Ҳужжатда бизнинг соҳага эътибор ортганлиги ижобий бир йўналишдир. Унинг 4-бандида санитария ходимлари, давлат санитария назорати идораларининг қарорларини бажаришдан бўйин товлайдиган мансабдор шахслар, фуқаролар учрагудек бўлса, бундай қарорларнинг ижросини таъминлашда Республика Адлия вазирлиги ва Прокуратураси бевосита ёрдам беришлари қайд қилинган. Шунинг ўзиёқ санитария шифокорлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, фармон мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам қонунга тўлиқ амал қилишдаги масъулиятларини оширишга хизмат қилади. Бу эса соғлом турмуш тарзимиз учун жуда-жуда муҳимдир.

Суҳбатдош
Саидвали ҲАСАНОВ.

СОЛИҚНИ КИМГА ТЎЛАЙСИЗ?

***БУГУНГИ** кунда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас. Зотан, биз ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқдамиз. Бу ҳар бир кишининг қомусий дунёқарашини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.*

Дейлик, солиқлар кимга тўланади? Уларнинг қандай турлари мавжуд? Вилоят ҳокимининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги қарорида қатор, хусусан, маҳаллий солиқларнинг мазмун-моҳияти ва низомлари хусусида гап боради.

Ундан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим меъёрлари, савдо-воситачилик фаолияти, новвойлик, таом тайёрлаб сотиш, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва техник асбоб-ускуналарни таъмирлаш, косибчилик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари билан шуғулланаётганлар учун белгиланган йиғим меъёрлари тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Шунингдек, қарорда автотранспорт воситалари сақланадиган жойлардан фойдаланганлик учун, савдо қилиш ҳуқуқини берганлиги учун йиғим йиғиш тартиби тўғрисидаги, айрим турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома берилганлиги учун ундириладиган йиғимларни тўлаш тартиб-қоидалари тўғрисидаги, реклама солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун йиғим тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомлар ҳам ўз тасдиғини топди.

Сўзсиз, ушбу қарор жойларда тадбиркорлик ва бошқа ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишда фуқароларга қулайликлар яратади.

Ф. ФАЗЛИДДИНОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Бозор муносабатлари қишлоқ хўжалигида узил-кесил қарор топаётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи билан тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги ўзаро шартноманинг аниқ ва тўғри ишлашига эришишда, шартнома интизоми ва томонларнинг ўзлари имзолаган шартномалар бўйича масъулияти катта аҳамиятга эга. Шу сабабли икки томонлама ўзаро манфаатли шартномалар ўз вақтида тўғри ва қонунга мувофиқ тузилган бўлиши лозим. Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақида тўхталар экан, ўзаро манфаатли шартномаларнинг бугунги кун талаби даражасида бўлишини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан тайёрловчилар ўртасида тўлақонли ва аниқ шартномалар тузмай ва унинг тўла бажарилишига эришмай туриб, мулкчиликнинг қайси шаклида фаолият кўрсатмасин, деҳқоннинг ўзи ишлаб турган замин хўжайини эканлигини ҳис қила олишига эришиб бўлмайди.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Ҳозир жойларда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг кўплиги, чет эл компаниялари ва фирмалари билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш учун барча имкониятлар вужудга келтирилганлиги, етиштирилаётган маҳсулотлар учун давлат буюртмасининг йил сайин камайиб бораётганлиги, хўжаликлар ва корхоналарга кўплаб иқтисодий эркинликлар берилганлиги ҳамма жойда тузилган шартномаларга қатъий амал қилиб ишлашни талаб этади. Аммо жойларда ўтказилаётган текширишлар шуни ҳам кўрсатмоқдаки, айрим корхона ва ташкилотларда тузилган икки томонлама шартномаларга амалда эътиборсизлик билан қараляпти. Бунга бир томондан шартномаларни имзолаган иккала томон ҳам бу муҳим ҳужжатга масъулият билан ёндошмаётгани сабаб бўлса, иккинчидан хизмат кўрсатувчи томоннинг ўзи учун мақбул ва қулай шароитлар белгиланган шартномани тақдим этган пайтда, иккинчи томон унинг моҳиятини синчиклаб ўрганмай туриб, кўр-кўрона имзо қўйиб юбораётгани ана шундай масъулиятсизликни келтириб чиқармоқда. Бунинг устига белгиланган шартлар хизмат кўрсатувчи томонидан бузилган вақтда ҳам гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек сукут сақлаш одат тусига кириб боряпти. Мижоз ҳисобидан пулни ўз вақтида бермаслик, етказиб берилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар учун ойлаб ҳақ тўламаслик ҳоллари содир бўлганда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демай, буни табиий ҳол деб тушунаётгани кишини ажаблантиради. Бунинг устига шартномани имзолаган биринчи томон унинг шартларини бузган тақдирда ҳам иккинчи томон ўз ҳақини ажратиб олишни "ноқулай" деб билиб, ўз ҳақи учун курашмайди.

Бундай фикр-мулоҳазаларни контрактация шартномалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 29 августда 438-сонли қарори билан "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаган, шунга асосан икки томонлама ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган эди. Аммо ўтган йил учун тузилган шартномаларнинг бажарилиш аҳволи ўрганиб чиқилганида пахта, дон, пилла, мева, сабзавот етказиб бериш ва харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ва унинг бажарилиши ночор аҳволга тушиб қолганлиги маълум бўлди.

Шуниси ажабланарлики, 1997 йилги контрактация шартномаларини тузиш ёки ўзгартириш соҳасида вилоят хўжалик судига бирорта ҳам даъво аризалари киритилмаган. Йил якуни бўйича эса кўплаб хўжалик ва корхоналар томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлигига қарамай хўжалик судига фақат хўжалик ва тайёрловчи корхоналар 46 та даъво аризаси билан мурожаат этганлар, холос.

Шартномавий муносабатларда кўп баҳслар ва низолар га сабаб бўлаётган ҳамда шу пайтгача ўз ечимини топмаётган бир муҳим масала бор. У ҳам бўлса мустақил юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон-фермер хўжаликлари билан тайёрловчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатлардир.

Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-бандида қайд этилганидек, деҳқон-фермер хўжаликлари шартномавий муносабатларда бошқа хўжаликлар сингари субъект ҳисобланадилар. Бироқ шундай бўлишига қарамай, нима учундир ҳозиргача барча туманларда ўзаро шартномаларни шахсан деҳқон-фермер хўжаликлари билан эмас, балки, шу худудда жойлашган жамоа хўжаликлари ёки туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси орқали тузишга амал қилиб келиняпти. Бу эса кўп ҳолларда деҳқон-фермер хўжаликларига жиддий иқтисодий зарар келтирмоқда. Улар ўзлари етказиб берган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун жамоа хўжаликларидан йиллар давомида ўз ҳақларини ундириб ололмаяптилар.

Бизнинг фикримизча, ушбу масала томонларнинг ўзаро келишувига асосланган бўлиши ва асло жамоа хўжаликлари, тайёрловчи корхоналар ёки деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларининг тазйиқи остига олинмаслиги лозим.

Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартибининг бузилиши каби ҳолларга аввало, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг шу шартномаларни тузиш ҳақидаги қонун ва норматив ҳужжат талабларини билмасликлари, малакали ҳуқуқшунос кадрларнинг етишмаслиги, баъзи ҳолларда эса кадрларнинг билим савияси пастлиги сабаб бўлаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарув органлари ва корхоналарда юридик хизмат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори халқ хўжалигида банд бўлган барча юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифаларини белгилаб берди. Жумладан, унда барча юридик хизмат ходимлари ва ҳуқуқшунос маслаҳатчилар адлия органларида қайта тайёргарликдан ўтиб, малакаларини оширишлари ва аттестациядан ўтишлари шарт қилиб қўйилди. Шу кунларда Тошкент вилояти туманларида ушбу қарор асосида 153 нафар ҳуқуқшунос маслаҳатчилар вилоят адлия бошқармасида қайта тайёргарликдан ва аттестациядан ўтдилар. Аммо, айни пайтда қишлоқ хўжалигида ишлаётган кўпгина ҳуқуқшунос ходимлар турли сабаблар билан бошқа соҳаларга ўтиб ишламоқдалар.

Умуман, соҳани юридик хизмат ходимлари билан таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг юридик хизматга нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганлари сабабли кўплаб хўжаликлар ва ташкилотларнинг штат жадвалларида шундай лавозимлар бўлиши кўзда тутилмай қоляпти. Бўрлари эса самарали ишлаш учун етарли шароитларга эга эмаслар. Алоҳида иш хоналари, ҳуқуқий адабиётлар ва норматив ҳужжатлар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Бундан ташқари халқ хўжалигининг кўп тармоқларида хизмат қилаётган юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларига таллуқли бўлмаган юмушлар юклатиб қўйилаётганлиги ҳам сир эмас.

Халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли ўртасида бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилмасдан, уларда янги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларга кўникмалар ҳосил қилмасдан, ҳуқуқий маданият савиясини оширмасдан туриб иқтисодий ислоҳотлардан кутилган натижаларга эришиш қийин, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони асосида республика Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари шартномавий муносабатларни қонун талабларига мос ҳолда олиб боришда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида қишлоқларга юборилдилар. Улар шунингдек жойларда қонун ҳужжатларининг моҳиятини қишлоқ меҳнаткашларига тушунтирадилар, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, контрактация шартномаларини тузишда иккала томонга ҳам зарур ёрдам кўрсатадилар.

Эргаш ХОЛМАТОВ,
вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи.



Ўзбекистон — Олмония қўшма "Кибо" пойабзал корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Бу ерда тайёрланган турли ўлчамдаги катталар ва болалар пойабзаллари сифатли ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Корхона ишчи-хизматчилари ўтган йили 300 миллион сўмлик 12 турдаги 216 минг жуфт оёқ кийимларини буюртмачиларга етказиб берган эдилар. Бу йил маҳсулот ҳажмини 400 миллион сўмликка етказиш учун курашмоқдалар. Ушбу суратларда корхонанинг пешқадам ишчилари Шоира Тўлаганова ва Гўзал Жабборовалар (юқорида) ҳамда техника назорати бўлими ходимлари Елена Рубцова ва Анастасия Еримоваларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВАТАННИНГ ИШОНЧЛИ ҚАНОТЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қўлга киритган ютуқлар бутун дунёнинг ҳавасини қўзғамоқда. Бунга мисоллар жуда кўп. Яқинда АҚШдан навбатдаги хушхабар келди: Американинг нуфузли "Авиэйшн уик энд спейс технолоджи" журналида халқаро экспертларнинг хулосасига кўра 1997 йилда жаҳон авиацияси тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган кишиларнинг исмлари эълон қилинган. Рўйхат бошида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзматовнинг номи турибди.

Авиация мутахассислари компания раҳбарининг Ўзбекистон фуқаро авиациясида ноёб авиация техника паркини барпо этиш, ердаги эскириб қолган, бинобарин, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган жиҳозларни мукаммал ва ишончли техника билан алмаштириш борасидаги хизматларини қайд этган. Учиш хавфсизлиги кўрсаткичига алоҳида эътибор берилган. Миллий компаниямиз бу борада МДҲ бўйича етакчилик қилмоқда. Ўтган йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Халқаро авиация хавфсизлиги федерациясининг махсус дипломи билан тақдирланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси жаҳондаги энг йирик компаниялардан ҳисобланади. Самолётларимиз 1997 йилда 58 та мунтазам йўналишда парвоз қилиб, 2 миллионга яқин йўловчи ҳамда қарийб 45 минг тонна юкни манзилига етказиб берди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ТОМАС МАРК:

РАҚОБАТ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишларидан бири жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишдир. Бу яхши ниятнинг ҳаётда амалга ошаётганлигини юртимизга хорижий ишбилармон доираларининг келаётгани, қўшма корхоналар сони тобора ошиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Ана шундай хорижий ҳамкорларимиздан бири Германиянинг "Сименс" концернидир. ЎзА мухбири концерннинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Томас МАРК билан учрашиб, "Сименс"нинг мамлакатимиздаги фаолияти, келгуси режалари ҳақида суҳбатлашди.

— Жаноб Марк, "Сименс"нинг Ўзбекистон бозорида фаолият бошлаганига анча бўлди. Бошқача айтганда, "Сименс" Ўзбекистон мустақиллиққа эришганидан кейин мамлакатимиз билан ҳамкорликни бошлаган дастлабки фирмаларнинг биридир. Бироқ, дунёга донғи кетган фирманинг тарихи, ривожланиш тадрижини ҳамма ҳам билавермайди. Мумкин бўлса, шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Бажонудил. "Сименс" Германиядаги энг "ёши улуғ" корхоналардан биридир. Ўтган йили фирмамиз ўзининг 150 йиллигини нишонлади. Электроника ва электротехника соҳасининг тарихи айнан "Сименс" билан бошланган, десам хато бўлмайди. Бир ярим аср аввал Вернер Сименс томонидан дастлабки электр жиҳозлар ихтиро қилинган эди. Кейинроқ у ўз фирмасини кенгая борди. Бугунги кунда "Сименс" ўзининг фаолият кўлами, маблағи ҳамда ходимлари сони жиҳатидан дунёдаги энг йирик фирмалардан бирига айланган. Унинг фаолияти асосан электроника ва электр жиҳозларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Айни пайтда фирмамиз дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатида, фаолият кўрсатаяпти. 1997 йилда "Сименс"нинг умумий маблағи 106 миллиард немис маркасини ташкил этди. 380 мингдан ортиқ ходимимизнинг ярми Германиянинг ўзида, қолганлари эса хорижда ишлайди. Айни вақтда Германияда фаолият кўрсатаётган ходимларимиз сони қисқариб, чет элда фаолият кўрсатаётганлар сони ортиб бормоқда. Бу эса хорижий давлатларда фаолиятимиз кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

"Сименс" дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бораяпти.

— Немислар — тадбиркор ва ҳисоб-китоб билан иш олиб боришни ёқтирадиган халқ сифатида ном қозонишган. Табиийки, мамлакатимизда фаолият бошлашдан аввал "Сименс" раҳбарияти Ўзбекистон бозорини ўрганган ва истиқболда эришилажак муваффақиятларни тарозига солиб кўрган. Айтингчи, шу ўтган давр ичида мазкур ҳисоб-китоблар, режалар қай даражада ўзини оқлади?

— Биз Ўзбекистонни аввал ҳам маълум маънода билар эдик. Чунки, 70-йилларда Москвада ўз ваколатхонамизни очганмиз. Бироқ, у вақтда Ўзбекистон билан Москва орқали иш олиб боришга тўғри келарди. Мамлакатингиз мустақиллиққа эришгандан кейин эса, фирмамиз Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва катта иштиёқ билан иш бошлади. Зеро, биз Ўзбекистоннинг

Ҳамкорлик робиталари

иқтисодий имкониятлари, истиқболда эришажак муваффақиятларига ишонар эдик. Албатта, дастлабки йилларда фаолият доирамиз бир қадар тор, яъни, фақат телекоммуникация ва тиббиёт техникасини сотиш билан чекланган эди. Бироқ вақт ўтган сари фаолиятимиз кўлами тобора кенгайиб бораётир. Бугунги кунда халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида иш олиб бораяпмиз. Булар электр энергияси ишлаб чиқариш, кучли қувватга эга бўлган электр станциялари барпо этиш, қувват узатувчи линиялар, темир йўлларни электрлаштириш ва бошқа йўналишлардир.

Ваколатхонамиз концернинг савдо бўлими номидан ҳаракат қилиб, "Сименс"нинг Ўзбекистон билан тузган шартномаларини ҳаётга жорий қилиш борасида иш олиб боради. Мен буни табиий ҳол деб биламан. Чунки, одатда катта ишлар, ҳамкорликда амалга оширилажак йирик лойиҳалар шундай бошланади. Келгусида биз ваколатхона мақомини ўзгартириб, Ўзбекистонга катта миқдорда сармоя киритиш режамиз бор. Жорий йил мобайнида "Сименс" Ўзбекистонда ўз фирмасини очиш режасини ишлаб чиққан. Бу фирма халқ хўжалигининг турли тармоқлари, жумладан, телекоммуникация, тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш борасида хизматларни амалга оширади.

Шунингдек, биз Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Тошкент аэропортларидаги учиш-қўниш йўлакларини ёритиш тизимларини янгиладик. Бу йўналишда яна амалга оширадиган лойиҳаларимиз мавжуд.

Ҳозир биз Италиянинг "Стет" оператор фирмаси ва Ўзбекистон билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш устида иш олиб бормоқдамиз. "Ўдинет" (Ўзбекистон Дижитал Нетворк), деб аталажак бу корхона мамлакатингизда шаҳарлараро ҳамда халқаро телеалоқалар соҳасида фаолият кўрсатади. Мазкур корхона ҳусусида уч томонлама шартнома имзоланган. У ҳозир расман рўйхатдан ўтиш арафасида.

— Жаноб Марк, Ўзбекистонда "Сименс"дан ташқари ҳам кўплаб йирик хорижий фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, бундай шароитда кучли рақобат юзага келади. Бу "Сименс"ни чўчитмайдими?

— Йўқ, албатта. Биз нафақат, Ўзбекистонда, балки бутун дунёда кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатаяпмиз. Рақобат юксалишнинг, ривожланишнинг асосий омилларидан биридир. Усиз фирма муваффақият қозониши мушкул. Зеро, рақобат янада кучлироқ ишлаш, янада сифатлироқ маҳсулот чиқариш ва хизмат кўрсатишни тақозо қилади. "Сименс"нинг 150 йиллик фаолияти унинг ҳар қандай рақобатга бардош бериш имконига эгалигини кўрсатади.

— Ўзбекистон бозорининг истиқболи ҳамда хорижий фирмалар учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароит ҳақида нима дея оласиз? Улар шахсан сизни қониқтирадими?

— Ўзбекистондаги шарт-шароит ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодиётни юксалтириш учун аниқ ва муайян тамойилларга асосланган сиёсат юритилмоқда. Бу доно сиёсатнинг яна бир муҳим томони шундаки, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бошида давлат турибди ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тўғри, муаммолар ҳам йўқ эмас. Бироқ, улар вақтинчалик хол. Айни пайтда бу "Сименс" учун муаммо туғдираётгани йўқ. Чунки, биз ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан энг устувор соҳаларда иш олиб бораяпмиз, хусусан, ўзаро тўловлар аниқ ва ўз вақтида амалга оширилаётганидан мамнунмиз.

Мен ҳукумат қарорлари ва янги қонунларини мунтазам кузатиб бораман ва улар орқали хорижий сармоядорларнинг мамлакатингизда кенг миқёсда фаолият юритиши учун етарли шароит яратилган, деб ҳисоблайман. Яна шуни ҳам таъкидлашим жоизки, Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиё давлатлари ичида энг ишончли ва йирик ҳамкоримиз ҳисобланади. Шубҳасиз, бу бизни қувонтиради ва янги-янги лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишга илҳомлантиради.

ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ суҳбатлашди.

ЭКОЛОГИК ГУРУҲЛАР ҲАРАКАТДА

Давримиз табиатни муҳофаза қилишни, ёшидан қатъий назар, барча фуқароларнинг эътиқодига, ҳаёт тарзига, амалий фаолиятига айланишини тақозо этмоқда. Бунга эришмоқ учун экологик тарбияни ёшликдан бошлаш керак. Шуни ҳисобга олиб қўмитамиз туман халқ таълими бўлими билан биргаликда бу муҳим ишни билим ўчоқларида кенгайтиришга, унинг замон талаблари асосида бўлишига ҳаракат қилмоқдалар. Шу туфайли барча мактабларда экология фан сифатида мустақил ўқитиладиган бўлиб қолди.

Туман халқ таълими бўлими ҳудудида мактабларда экологик тарбияни йўлга қўйиш ва яхшилаш билан шуғулланувчи махсус гуруҳ ташкил этганмиз. Унга бўлим услубчиси Ш. Хошимова раҳбарлик қилмоқда. Биология, кимё, тарих ва бошқа шу каби фанлар ўқитувчилари гуруҳ аъзолари ҳисобланадилар. Гуруҳ билим ўчоқларидаги экологик тарбиянинг аҳволини мунтазам назорат қилиб боради, бу соҳадаги камчиликларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан кўпчилик мактабларда экология хоналари ёки бурчаклари ташкил этилди. Масалан, 21-ўрта мактабда экология музейи очилди. Биноларнинг бири экологияга бағишланган анжомлар билан жиҳозланди. 15-мактабда эса экология хонаси ташкил этилди, бу фан бўйича дарслар шу хонада кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтказилмоқда. Шу мактабдаги экология гуруҳи 1980 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. Унинг аъзолари мактаб жойлашган жамоа хўжалигининг экологик харитасини тузиб чиқишди. У тўртта кичик гуруҳчага бўлинган. Ҳар бири маълум йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўқитувчилар раҳбарлик қилишяпти. Гуруҳлар шу ерда жойлашган сув тозалаш заводига шаҳардан келаётган канализация қувурларини, корхонанинг ўзидан чиқаётган сувнинг тозалигини доим назорат қилиб борадилар.

Мактабнинг озодалиги, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланишади. Улар мактаб ҳудудида 5 минг туп терак ва бошқа мевали дарахтлар кўчатлари экилишида фаол қатнашдилар.

Тумандаги 25-ўрта мактабда ҳам ёшларнинг экологик тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Бу ерда экологик ва иқтисодий йўналишдаги синф очилган. Унда 30 нафарга яқин ўқувчи ўқимоқда. Синф икки йилдан бери ишлаяпти, зарур асбоб-анжомлар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бу билим юртида бундан тўрт йил илгари тузилган экология гуруҳи Чирчиқ дарёсини ифлосланишдан сақлаш, Хонобод кўчаларидаги ариқларни тозалаш, кўчатлар экиб, кўкаламзорлаштириш, боғ барпо этиш билан шуғулланмоқдалар. Улар бундан икки йил бурун археолог олимлар билан Хоноботепа тарихини ўргандилар. Археологик қазилмаларда қатнашдилар. Бунинг натижасида Хонободнинг экологик тарихи музейини очдилар. Улар Хонободни экологик жиҳатдан тоза қўрғонга айлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

Экологик тарбия яхши йўлга қўйилган бошқа мактабларни ҳам мисолга келтириш мумкин. Чунончи 1-, 28-, 44- ва бошқа мактабларда ҳам бу муҳим ишда ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Шу туфайли ҳам ўқувчиларимиз вилоят бўйича ўтказилаётган экологик кўрик-танловларда фаол қатнашмоқдалар. Кейинги йилларда туманимиз ўқувчилари тайёрлаган экологик кўргазмалар вилоятда совринли ўринларни эгаллади. Ўқувчиларимизнинг айримлари кўрик-танлов тури бўйича ғолиб бўлдилар ёки совринли ўринларни эгаллашга эришдилар.

Туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактабларда олиб борилаётган атроф муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишлар самараси яққол кўринib турипти. Бу хотиржамлик учун ҳеч асос бўлолмайди. Чунки экологик тарбиянинг кўлами жуда кенг. Шунинг учун ҳам уни муттасил такомиллаштириш, самарасини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз.

Э. ҚАҲҲОРОВ,
Зангиота тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

"ҒАФЛАТ УЙҚУСИ"

ГАЗЕТАМИЗДА шу йил 11 февраль куни ана шундай сарлавҳа билан танқидий мақола босилиб, унда Оққўрғон шаҳрининг тарихий-ўлкашунослик музейидаги жиддий нуқсонлар очиб ташланган эди. Яқинда тахририятимизга туман ҳокими муовини А. Мустафоев имзоси билан жавоб хати келди.

Хатда жумладан, шундай дейилади: "Оққўрғон шаҳридаги туман тарихий-ўлкашунослик музейи фаолиятида, шунингдек, музей ичидаги тарихий ёдгорликларни сақлаш ва жой-жойига қўйишда, бу ерни Оққўрғоннинг тарихий мажмуалари билан бойитишда ҳамда музейдаги махсус атамаларнинг давлат тилида расмийлаштирилиши бўйича жиддий камчиликлар мавжуд эди. Бу масалалар туман ҳокимлигининг шу йил 8 январдаги йиғилишида муҳокама қилинди, ҳисобот туман "Оққўрғон овози" рўзномасининг 3-сонида босилиб чиқди. Туман ҳокимлиги нуқсонларни тугатиш бўйича чора-тадбирлар белгилади.

"Тошкент ҳақиқати"да шу йил 11 февраль сонида "Ғафлат уйқуси ёки Оққўрғон туманидаги тарихий-ўлкашунослик музейидаги антиқа ҳангомалар" сарлавҳали танқидий мақола босилгандан сўнг туман ҳокимлиги мавжуд вазиятни қайта синчиклаб ўрганиб чиқиб, белгиланган чора-тадбирлар ҳажмини кенгайтирди. Туман маданият бўлими мудири этиб ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келган С. Тожибоев тайинланди. Музейни қайта жиҳозлашнинг режалари белгиланди. Туман молия бўлими дастлабки 100 минг сўм маблағни таъмирлаш ишлари учун музей ҳисобига ўтказиб берди. Шу кунларда музейни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

"Ғафлат уйқуси" сарлавҳали танқидий мақоладан тегишли хулоса чиқариб, ички имкониятлар ҳисоблаб чиқилди ва музейни таъмирлашни 1998 йил 9 май кунига тугаллаб, уни эл-юртнинг зиёратгоҳ жойига айлантиришга қарор қилинди".

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲАҚИҚАТ

БУНДАН роппа-роса йигирма йил аввал тақдир мени "Тошкент ҳақиқати" редакциясига олиб келди. Болалар ва ўсмирлар газетаси "Ленин учқуни"дан кейин бу таҳририят анча жиддий ва салобатли туюлганди ўша пайтда мактаб ўқувчисига.

— Ҳабибуллохон, бу укамиз хат-хабарлар билан бизнинг бўлимга қатнашиб юрибдилар, университетингиз тингловчилари сафига қўшсангизу, журналистиканинг сир-синоатидан воқиф бўлиб турсалар, — деб Саидвали Ҳасанов мени у кишига "топшириб" кетдилар.

Ўша пайтлари "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳузурида ишчи-деҳқон университети фаолият кўрсатар, республикага танилган машҳур, тажрибали, забардаст журналистлар тингловчиларга қаламкашлик назарияси, у ёки бу мавзуларнинг ёритилиши тўғрисида мазмунли суҳбатлар олиб боришарди. Бу суҳбатлар тингловчиларда олам-олам таассурот қолдирар, кейинги сабоққача ўтилган мавзу бўйича "қораламалар" ёзиб келиш вазифаси буюриларди. Ўз пайтида бу дорилфунун ўз вазифасини тўлақонли ўтаган ва мақсадига эришган эди.

Бу ишларнинг бошида ҳурматли домламиз, университет ректори Ҳабибулла Олимжонов турарди. Агар университетнинг йигирма йилдан зиёд фаолияти давомида ҳар икки йилда 20-25 нафар ишчи мухбир битириб чиққан бўлса Ҳ. Олимжонов шогирдларининг саноғини чамалаб чиқса бўлади. Бу расмий шогирдлар ҳисобланса, норасмийларига ҳужжатлар берилмаган, ундайлар тил билан, дил билан, меҳр билан "устоз" дея улуғлайдилар у кишини. Ана шундай икки томонлама шогирдлар қаторига камина ҳам ўзини қўшишга ҳақлидир.

Устоз Мирсобир акадан кейин Ҳабибулла ака раҳбарлигида узоқ йиллар ишлаш насиб этди. Каминанинг журналистика оламида "А. Руломов" бўлиб танилишида уларнинг кўп ҳиссалари бор.

Таҳририятда турғунлик йиллари фельетонлар бўлими кейинчалик "ошкоралик" йилларида ижтимоий масалалар бўлимига айлантирилган эди. Адолат истаб энг сўнгги бекат — газета деб битилган арзнома, шикоят хатлар оқими 80-йиллар охирида довулдек ёғила бошлади. Хатларнинг мазмунига қараб, вилоят прокуратураси, суди, милициясига юборилади. "Пичоққа илинадиганлари", яъни шикоят хатдан аризачининг бузилган ҳуқуқини тиклашга илмоқ топиладиган бўлса журналист текшируви олиб бориларди. Ҳабибулла Олимжонов имзоси билан босилган талай мақолалардан таскин топиб, ҳақ қарор топгани тўғрисида миннатдорлик мактублари кўплаб келиб турарди.

Ҳабибулла ака ҳар бир хатни ниҳоятда диққат билан қайта-қайта ўқирди. Ва ҳар сафар унинг орқасида "инсон тақдири" турибди, деб такрорлашдан чарчамасди, адолат йўлида вақт-соат билан ҳисоблашмасди, бўлим ходимларидан ҳам шуни талаб этардилар.

Кунлардан бир кун қўлимга хат тутқазиб, танишиб чиқишимни айтдилар. Мактубнинг устида "Вилоят судига юборилсин" деган муҳарririмизнинг имзоси бор эди. Танишиб чиққанлигимни билдирсам, хат ўта жиддий, бирор нарса чиқариш мумкин, дедилар. Аризачи аёл қассоб эрининг нохақ қамалгани, шерикларининг ҳамма айбни бўйнингга оласан, "групповой" жиноят деб қаралса, узоқ муддатларга кўпчилик бўлиб қамалиб кетишлари мумкинликлари, ярим йил-бир йилда харажат қилиб қассобни қамоқдан озод қилиб оламиз, деб алдашганини ёзади. Хатга кўзи ногирон аёлнинг етти фарзанди билан тушган фотосурати илова қилинган эди.

Эртагаёқ Оққўрғонга бориб, хат муаллифи билан учрашасан, район судига кириб, қассобнинг "Дело"си билан танишасан, дея устоз яна нималарга эътибор беришим кераклигини уқтирдилар.

— Фактлар даҳшатку, — дедилар командировка ҳисоботимни эшитиб бўлгач. — Энди Абдужалил Ҳасанов билан борасан.

— Ҳабибулла, сиз тушунинг, — деб алланималарга изоҳ бермоқчи бўлди Абдужалил ака.

— Қонунда ҳаммаси тўғри ёзилган, баҳслашмайман, юрист Ҳасанов. Лекин, инсонийликнинг, одамгарчиликнинг ёзилмаган қонунлари ҳам борку бу дунёда, — гапни чўрт кесди Ҳабибулла ака.

Тез орада газета саҳифасида "Қонун ҳақ, аммо..." сарлавҳали мақола эълон қилинди. Бир ой ўтар-ўтмас ўша пайтдаги вилоят суди раиси Липатовдан "Мақолада келтирилган фактлар текширилиб, жавоби редакцияга маълум қилинади" мазмунида хат олинди. Вилоят судидан ҳар сафар ҳам бундай хатлар олинавермасди. Чамаси уч-тўрт ойларда "...вилоят суди Оққўрғон район суди томонидан қассобга ...нисбатан чиқарилган ҳукм бекор қилинди" деган жавоб келди.

— Зўрку, — Ҳабибулла аканинг айтган гапи-шу бўлди.

Агар ўшанда Ҳ. Олимжонов қатъий туриб, "журналистик текширув" ўтказишни талаб қилмаганида, натижа биз кутганчалик чиқмаслиги муқаррар эди.

Ҳабибулла ака эрталаб "тинчликми, ҳеч ким мани сўрамадими" деб эшикдан кириб келардилар. Газеталар билан танишиб чиққач, "Хў-ўш, ишни бошлаймизми", дердилар. Менда иш йўқлигини айтсам, кўчага чиқ, мавзу "тиқилиб" ётибдику, дердилар.

— Кўчада юрганингда дуч келадиган барча муаммонинг ҳаммаси алоҳида мавзу. Одамлар бу камчиликларга кўникиб кетганлар, ғижиниб ўтиб кетаверадилар, биз журналистлар эса камчиликларга муросасиз бўлишимиз керак. Ва ҳар бир муаммонинг кетига тушиб, "Нега шундай?", "Нега?" деган саволларга жавоб топишимиз, одамларнинг дардини олишимиз зарур. Қоларса, бунинг савобига ҳар ким ҳам етавермайди. Мавзулар жуда майдалашиб кетаяптими, деган гапимга "ҳамма нарса шу майдачуйдадан катта бўлади, уни майдалигида тўғри йўлга солиш керак" деб маслаҳат берардилар.

Ўша пайтларда магазинлар бўш шиша қабул қилмаслиги, минерал сувнинг танқис бўлиб қолганлиги, жамоат транспорти муаммолари, врачлар, бошқа соҳа кишиларининг ўз ишига нисбатан масъулиятсизликлари тўғрисида ёзилган мақолалар шулар жумласидандир.

— Қизим. касал бўлиб қолди, — ҳижолатда ишга кеч қолиш сабабини айтаман.



— Сарлавҳасини "Тез ёрдам нега имиллайди?" деб қўйиб, ҳозир менга айтиб берганларингни қоғозга тушир.

"Тез ёрдам"нинг иши кескин танқид остига олинган мақола шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси коллегиясида кўрилади.

Гапдан гап чиқиб, маҳалламизда уч-тўрт кундан бери водопровод суви қувури ёрилиб, тегишли мутасаддиларга мурожаатлар кор қилмаётганини айтиб юборибман. "Ёз" дедилар.

Ҳар бир танқидий мақола озгина бўлса ҳам ўзининг ижобий натижасини беришига шак-шубҳа бўлмай қолди кейинчалик.

Ўзларининг ҳам ҳаётдан олиб ёзган ўткир танқидий мақолалари, мулоҳазали лавҳалари газета саҳифаларида тез-тез кўриниб турарди. Бадиий насрда ҳам биринчилардан бўлиб ёзилган "Ўйлаб топилмаган ҳикоялари"да эса расмий, норасмий давраларда эшитган кулгили воқеалар, ичакузди ҳангомалар ўрин олган эди.

— Келаётган айёмлар муборак бўлсин, — деб қўнғироқ қилдим.

— Ҳеч кимга билдирмай қўяқол. Ўзим ҳам ўйлаб, ҳайрон бўлиб ўтирибман, — дедилар ярим асрлик ёшга етганликларини тан олгилари келмай.

Телефонда уларга айтган гапларимни яна такрорлайман: Ҳабибулла ака, бундан ҳеч ким қутила олмаган, бу ўйлаб топилмаган ҳақиқат, рақамлар шунақа "ўжар" бўлади!

Аброр ХОН.

СИЗНИ ОЛҚИШЛАЙМИЗ, АЁЛЛАР!

Қалбларни меҳру муҳаббатга тўлдира олган, эзгулик ва гўзалликка даъват этувчи халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланди. Республикамиз, вилоятимизда бўлиб ўтган тадбирлар ҳамон давом этаётир. Дунёда шундай бир касб борки, у жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, хуллас, эл-юрт осойишталигини таъминлаш борасида саъй-ҳаракат қилаётган посбон ва мардлар соҳасидир. Бу касбда фидокор ўғлонларимиз қатори муҳтарам аёлларимиз ҳам жасурлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Куни кеча Ҳамза номидаги республика Давлат академик драма театрининг муҳташам биносида бўлиб ўтган байрам тадбирида вилоят Ички ишлар идоралари ходимлари, барча шаҳар ва туманлардан келган меҳнат фахрийларидан иборат 350 нафар аёллар қатнашди.

Тантанали кечани Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция майори Фурқатжон Тангибоев очиб, республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаровнинг байрам табрикларини ўқиб эшиттирди.

Шу куни Республикада хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Асалхўжаева, Нуриддин Ҳайдаров, сўз устаси Равшан Жўраев, хушовоз хонанда Муҳиддин Обилов бошчилигидаги гуруҳ санъаткорлари дилрабо қўшиқлари билан йиғилганларга хуш кайфият бағишлашди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган меҳмонлар бундай хурмат-эътибордан мамнун бўлдилар.

Тадбир сўнгида театр жамоаси кеча иштирокчиларига драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома" спектаклини намойиш этди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

БОҒЛАР БАҲОРГА ТАЙЁРМИ?

Ҳали ердан қор кетганича йўқ. Изғирин сусаймаяпти. Шундай бўлсада соҳибкорлар боғ ва токзорларга чиқиб, кўкламга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Хўш, шу кунларда боғ-роғларда қандай ишлар амалга оширилади?

Қилинадиган энг зарур ишлардан бири боғ ва токзорлардаги қуриган ва қариган дарахтлар ўрнини шу боғдаги дарахтларнинг тури ва навига мос келадиган кўчатлар билан тўлдириш учун ерни тайёрлаб қўйиш ва кўчатларни иложи борича барвақт экишдир.

Агар хўжаликларда янги боғ ва токзорлар яратиш режаланган бўлса, экиладиган кўчатларни, ерни тайёрлаш зарур. Бунинг учун ерни текислаш, мелеоратив ҳолатини яхшилаш, сўнгра ҳар гектар хисобига 30-40 тоннадан чиринди ёки компост, 120 ва 60 килограммдан фосфорли ва калийли ўғитлар солиб, 80-100 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйиш керак.

Боғ яратишда айниқса кўчатларнинг навига алоҳида аҳамият беришни унутманг. Негаки,

Сохибкорлар эътиборига

нави тўғри танланган боғларда келажакда мева ҳосилдорлигини 20-30 фоиз ошириш ва сифатини яхшилаш мумкин бўлади.

Хўжаликларда агар боғлар ёш бўлса уларга шакл беришнинг айни вақти. Дарахтларга тўғри шакл берилса улар бақувват бўлиб ўсади. Шоҳлари сермева бўлганида ҳам эгилмайди ва синмайди, баргларига ёруғ яхши тушиб, новдалар орасида шабада бемалол эсади.

Агар мевали дарахтларга ёшлигиданоқ шакл берилмаса, кейинчалик уни тўғрилаш жуда ҳам оғир бўлади. Шакл беришда дарахтларнинг қандай жойлашганлиги, шохларнинг қай тарзда ўсганлиги эътиборга олинади. Бундан ташқари қатор ораларида техникани ишлатиш ҳам қулай бўлиши керак.

Ҳосилдор боғларда дарахтлар буталади. Бунда албатта уларнинг ўсиш-ривожланиш кучи ҳисобга олинади. Чалкашган, синган, тескари ўсган шохлар олиниб, сийраклаштирилади. Бундай холда ҳам албатта шохларнинг йўналиши ва техникада ишлов беришни назарда тутиш лозим.

Ҳозир токзорларда симбағазларни тартибга солиш ва таъмирлашнинг айни пайти. Ёш токзорларда симбағазлар ўрнатилаётганда токларнинг навини ҳисобга олиш керак. Симбағазлар қанчалик эрта ўрнатилиб, сим тортилса шунчалик яхши бўлади.

Шу кунларда токзорлардаги қуриган токларнинг ўрнига янги кўчат экиш ҳам муҳимдир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, мевали боғларда дарахтларга шакл берилгандан ёки буталгандан сўнг олиб ташланган шохшаббаларни йиғиштириб, чиқариб ташлаш, боғ қатор ораларини ишлов беришга тайёрлаш, ариқ ва зовурларни тозалаш ҳам ҳозирги энг долзарб вазифалардан хисобланади.

Юқорида қайд этилган юмушлар қанчалик тез ва сифатли бажарилса, боғлар баҳорги агротехника тадбирларини ўтказишга шунчалик тайёр бўлади ва уларни ўз вақтида ўтказиш имконияти вужудга келади.

А.ОРИПОВ,
Р.Р.Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими.

Баҳорги экишнинг тез суръатлар билан ўтказилиши экиш техникасининг нечоғли сифатли қилиб таъмирланганлигига боғлиқдир. Бекобод туманидаги А. Мавлонов номли ширкатлар бирлашмасида техникани тайёрлашда ана шунга амал қилинмоқда. Юқоридаги суратда хўжаликнинг тафтиш комиссияси раиси Абдуғаффор Ҳасанов, механизатор Абдуқаюм Маназаров ва Минулла Алимов шай қилинган техникани кўздан кечиришмоқда. Ўнгдаги суратда эса Янгийўл туманидаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги омбор мудири Абдурасул Қўшаев ва механик Алмат Омоновлар қишлоқ хўжалик машиналари таъмирини текширмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

➧ ЎТГАН якшанба куни бутун жаҳон бўйлаб Халқаро хотин-қизлар куни нишонланди. Бу байрамга 1909 йилда Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида асос солинган эди.

➧ АҚШ Давлат котибаси Мадлен Олбрайт хоним ўзининг навбатдаги ҳорижий мамлакатлар бўйлаб сафарини давом эттирмоқда. У биринчи бўлиб Украинага ташриф буюрди. Сўнгра Париж, Бонн, Лондонга йўл олди.

➧ ОЛМОНИЯДА фаолият кўрсатаётган СДПГ партияси бўлажак канцлер сайловларига ўз номзоди қилиб Қуйи Саксония бош вазири, 53 яшар Р.Шрёдерни кўрсатгач, сайловларнинг шу йил сентябрь ойида ўтказилиши эълон қилинди.

➧ 74 ЯШАР Эйзер Вейцман Исроилнинг қайтадан президенти этиб сайланди. Унинг учун парламентдаги 120 депутатдан 61 нафари овоз берди. 57 депутат эса унинг муҳолифи Шаул Аморни ёқлаб чиқди.

➧ НАТО Бош котиби Хавьер Солано Чехия ва Словакияга сафар қилди.

➧ ЧЕЧЕНИСТОН президенти Аслан Масхадов шу йил 9-13 март кунлари Буюк Британияда бўлади. Унинг ташрифи норасмий деб баҳоланмоқда.

НАМОЙИШДАН ЧИҚҚАН МАШМАША

Айни кунларда ўтган ҳафтанинг охирларида бошланган машмаша тобора авжига чиқмоқда. Гап шундаки, "Панорама Латвии" газетаси бир мақола чоп этиб, унда ёқилғи воситалари, уй ҳақи ҳамда бошқа коммунал хизматларнинг ошиб боришидан норози бўлаётган русзабон кишиларни Рига Думаси олдида учрашувга чақирган эди. Шу тарика 3 март кўпчилик учун катта ваҳимага айланди. Дума олдидаги майдонда тўпланган 2 мингдан зиёд нафақадорларга қарши 250 нафар полициячилар ҳужум қилдилар. Резина таёқлар ва бошқа анжомлар ишга солинди. Уркалтак-суркалтак анчагача чўзилди. Бу воқеадан азият чеккан намойишчилар рус миллати вакиллари таҳқирланмоқда, деб овоза тарқатдилар. Латвия бош вазири Гунтер Крастс эса бу тўполонда Москванинг қўли бор, деб гапирди. Россия бош вазири Виктор Черномирдин бу гапдан жуда қаттиқ ҳафа бўлиб, "Бундай дейишга унинг қандай қилиб тили айланди экан" деб таажжубланди. Бу орада мазкур воқеа Россия Давлат Думаси депутатлари томонидан ҳам турлича баҳоланди. Эндиликда Дума делегациясининг Ригага бориши кутилмоқда.

Намойишдан чиққан оддий можаро шу тарика икки давлат ўртасидаги кўнгилбузарликларга сабаб бўлди.

РУПИЙ ЯНАДА ҚАДРСИЗЛАНМОҚДА

ИНДОНЕЗИЯ миллий пул бирлиги — рупийнинг сўнгги ойлардаги қадрсизланиш жараёни Шарқий Осиёда молиявий инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган зарбалардан бири бўлди. Унинг таъсири қўшни мамлакатлар пойтахтлари — Куала Лумпур, Бангкок, Манила, Сингапур, Тайбей, Гонконг, ҳатто, Токио фонд бозорларида ҳам сезилди. Бир неча кун бурун рупийнинг яна 10 фоиз қадрсизланганлиги маълум бўлди. Бундай иқтисодий инқироз Индонезияда бўладиган президент сайловлари билан боғлиқ сиёсий инқирозга қўшилиб кетмоқда.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ... ҲИБСДА

ШУ КУНЛАРДА Ингушистон билан Москва ўртасида даҳанаки "жанг"лар давом этмоқда. Бунга Москвага маҳлис баҳонасида чақирилган Ингушистон ички ишлар вазири Дауд Кориговнинг хибсга олиниши сабаб бўлди. Бу воқеани эшитган Ингушистон президенти Руслан Аушев ёқа ушлаб қолди. Д.Кориговнинг қамоққа олиниши юзасидан бир нечта таҳминлар билдирилмоқда. Кимлардир яқинда президентлик сайловларида ютқазганлар Ингушистон ҳукуматидан қасос олмоқда, десалар, кимлардир унинг Чеченистон жангарилари билан махфиёна алоқалари бор, деб ҳисобламоқдалар. Ҳарна бўлганда ҳам бу ҳодиса Назрань билан Москва ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушириди.

АВТОМОБИЛГА ТАЛАБ КАМАЙЯПТИМИ?

Кейинги пайтларда бутун жаҳонда автомобилга бўлган эҳтиёж тобора камайиб бормоқда, деган нуқтаи назар чиқиб қолди. Балким, шу боисдир, Японияда 11та автомобиль ишлаб чиқарадиган компания шу йил апрель ойидан бошлаб ўз маҳсулотлари ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача 11 фоизга қисқартиражаклигини режалаштирмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Олимлар таҳмин қиладилар

КЕЛАЖАККА БИР НАЗАР

ОЛМОНИЯДА 900 нафар олим ва иқтисодчилар ўртасида сўров ўтказилди. Уларга фан ва техника нуқтаи назаридан XXI асрнинг дастлабки 20 йилини баҳолаш вазифаси топширилди. Жавоблар баландпарвоз бўлмаслиги учун ўз ҳамкасблари ишлаётган лойиҳаларни ҳисобга олишлари, уларнинг фикрича бугун бўлмаса, албатта, эртага бўладиган кашфиётларни эсдан чиқармасликлари илтимос қилинди.

2002 ЙИЛ. Компьютер ва телефакс ўрнатилган видеотелефонлар турмуш тарзига кенг кириб боради. Улар деярли киссада олиб юрадиган каби мўъжаз бўлади. Шунда исталган китобни дисплейга чиқариш имконини берадиган алоҳида тизимни ишлаб чиқиш ниҳоясига етади.

2003 ЙИЛ. Ракка қарши курашда генотерапиянинг дастлабки ютуқларига эришилади. Микроорганизмлар ёрдамида тупроқни зарарли микроблардан тозалаш кенг жорий қилинади. Томи ва пештоқида қуёшли батареялар ўрнатилган уйлар қурилишига оммавий равишда киришилади.

2004 ЙИЛ. Аҳлат яшиклари, уй-рўзғор чиқиндиларининг турлари (озиқ-овқат қолдиқлари, қоғоз парчалари, зарарли моддалар ва ҳ.к.) бўйича алоҳида-алоҳида ажратувчи мосламалар билан таъминланади.

2005 ЙИЛ. Такомиллашган микрозонд вена қонтомирларидаги тугунларни саноқли сонияларда бартараф этади.

2006 ЙИЛ. Микропроцессорлар 300 марта кичраяди, арзонлашади, уларни қўлланиш соҳаси сезиларли даражада кенгаяди. Автомобилчилар учун ҳам совға бўлади — борт компьютери машинани бошқаришни тўла ўз зиммасига олади.

2007 ЙИЛ. Компьютерлар кенг тарқалган тиллар таржимонлари ишини бажарадиган бўлади.

2008 ЙИЛ. Компьютерлар кимёгар-таҳлилчи ҳамда китоблар, мақолалар ва ҳужжатлар таҳрирчиси касбини эгаллайди. Саратоннинг табиати аниқланади.

2009 ЙИЛ. Жарроҳлар мушаклар ва бўғинлар протезларини беморнинг асаб тизимига улашни ўрганиб оладилар — сунъий қўллар ва оёқлар ҳақиқийси каби ҳаракат қиладиган бўлади.

2010 ЙИЛ. Кўз протезлари пайдо бўлади, улар сўқирларга кўриш қобилиятини қайтаради. Электромобиллар учун қуёшли қуюв станциялари қурилиши бошланади. Машиналар аккумуляторлари кичик қуёш электр станцияларидан зарядланадиган бўлади.

2012 ЙИЛ. Хона ҳароратида ишлайдиган ниҳоятда кучли ўтказгичлар электр энергиясини исталган масофага исроф қилмасдан етказиб беришни таъминлайди.

2013 ЙИЛ. Катталиги бўйича оғир элементлар атомига тенг бўлган транзисторлар кенг тарқалади, онкологларни йирик ютуқ кутади — саратоннинг турли хилларига қарши вакциналар яратилади.

2014 ЙИЛ. Немис технологияси асосида яратилган ва қаҳрабо ёстиғда юрадиган поезднинг тезлиги соатига 1000 километрдан ошади. Карбонат-ангидрид кислотасини ҳавога чиқариш хавфсиз даражага келтирилади, озон "тешиги" бўйсундирилади.

2016 ЙИЛ. Конструкциясида ниҳоятда кучли ўтказгичлардан фойдаланилган компактли ва катта ҳажмли электроаккумуляторлар яратилади.

2017 ЙИЛ. Микропроцессорларни узоқ муддат ва мустақил энергия билан таъминлаш учун улар тирик ҳужайраларга уланади (тўғри, ҳужайраларнинг ҳаётий фаолиятини қандай сақлаш маълум эмас?). Умуман ақлий фаолиятни ва алоҳида ғояларни кучайтиришни рағбатлантирувчи кимёвий дорилар синтез қилинади.

2018 ЙИЛ. Фотоэлектрик усул билан олинган водород энергия етказиб берувчи муҳим манбалардан бири бўлиб қолади. Янги магнитореактив двигатель космик кемаларнинг энг узоқдаги сайёраларга учишига имкон яратади.

2019 ЙИЛ. Саҳроларда қуёш электр станциялари кўпаяди, улардан нур юқори ўтказгич линиялар бўйича саноат туманларига узатилади.

2020 ЙИЛ. Шундай нурхоналар коинотда ҳам қурилади. Улар энергияни ерга электр магнит тўлқинлари кўринишида юбориб туради.

Тажриба илмий башоратларнинг камида учдан бир қисмидан кўпроғи рўёбга чиқиши мумкинлигини кўрсатади.

КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

"Камолот-Л" театр студиясининг таваллуд топганига етти ой тўлган куни ўзининг 80 мингинчи томошабинига янги саҳна асарини намойиш этди. Жамоа дастлабки, тетапоя қилган кунидан бошлаб ҳайрия спектакллари ва концертларини намойиш этиб келмоқда. Улар Бўка туманидаги "Меҳрибонлик уйи", Тошкентдаги Хлебушкина номли болалар уйи тарбияланувчилари, "Ногирон болалар" масканларида, турли-туман мактабларда бўлиб, ёш томошабинларга олам-олам завқ бағишладилар.

Вилоят ёшларининг "Камолот" жамғармаси раиси Ёқубжон ТУРСУНОВ шундай дейди:

Диққат: янги театр

— Ўтган йилнинг айни кунларида ҳозирги "Камолот-Л" театр студияси актёрларининг биринчи спектаклини кўриш бахтига муяссар бўлдик. Тўғри, ёш актёрларнинг маҳоратлари, саҳнадаги ҳатти-ҳаракатларида ҳали эркинлик, завқу-шавқ етишмас эди. Лекин энг муҳими, вилоятимизда шундай мусиқали театр вужудга келиш арафасида турганлигидан мамнун бўлдик. Кўп ўтмай вилоят ҳокими янги театр ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Театрнинг бадиий раҳбари, "Дўстлик" ордени совриндори Л. БЕССАРАБОВА шундай ҳикоя қилади:

— Яқинда республика "Камолот" жамғармасининг раиси Хотам Абдураимов мени ёнларига чақириб, Людмила Петровна, сизнинг ижодий жамоангизга жамғармамизнинг мажлислар залини доимий фойдаланиш учун беришга қарор қилдик, деб қолдилар. Шу кунга қадар бизнинг доимий иш жойимиз йўқ бўлиб машғулотларни дўстларимизнинг квартираларида, йўлакларда олиб борар эдик.

Андрей ПИСАРЕНКО, театр артисти:

— Нисбатан қисқа вақт мобайнида театримизга шунчалик кўп томошабинлар келдики, биз шунча томошабинлар диққатини жалб эта олишимизга ишонмаган эдик. Республикамизнинг ҳар бир вилоятида битта, баъзиларида эса бир нечтадан театрлар бўлгани ҳолда бизнинг вилоятимизда ўз театримиз бўлмаган эди.

"Камолот-Л" театрининг биринчи актёрларидан бўлишдек шарафга муяссар бўлганимдан ҳурсандман. Ҳозир ижодий жамоада жами 20 га яқин санъаткорлар қўлни қўлга бериб ижод қилишмоқда. Уларнинг ҳаммаси қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, саҳна ҳаракатининг мураккаб ҳолатларини ижро эта олиш қобилиятига эгадирлар. Шу кунга қадар учта спектаклни томошабинларга тақдим этдик. Айни кунларда Э. Солиховнинг "Хушчақчақ гуноҳкор", В. Шекспирнинг "Ўн иккинчи кеча" саҳна асарлари устида қизғин иш олиб бормоқдамиз. Бизга бу борада бастакорлар Энмарк ва Улуғбек Солиҳовлар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ёқубжон ТУРСУНОВ:

— Бугунги ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётганликлари ҳақида биринчи навбатда "Камолот" жамғармаси бош-қош бўлиши керак. Дейлик, пулдорлар ресторанларга, диско-барларга боришар, аммо камхарж талабалар-чи? Улар вилоятимизда оз эмас. Ана шу ёшларни маънавият ва гўзаллик оламига тортишимиз, уларни санъатга ошно қилиш биринчи галдаги вазифаларимиздан эмасми?

Людмила БЕССАРАБОВА:

— Театримиз эшиклари ҳамма санъатсевар ва мутахассислар учун доимо очиқ. Биз вилоятимизда ижод қилаётган режиссёрларни, драматург ва ёзувчиларни доимий ҳамкорликка чақирамиз.

Гарчи, "Камолот" жамғармаси ўз мажлислар залини театрга бўшатиб берган бўлса-да, ҳали бу саҳна театр саҳнаси талабларидан анча йироқ. Саҳнани қайта жиҳозлаш, ёритиш ва овоз кучайтиргич ускуналарини ўрнатиш керак бўлади. Бунинг учун эса ҳозирча етарли маблағга эга эмасмиз. У тўла хўжалик ҳисобида, яъни сотилган чипталар ҳисобига кун кечирмоқда.

...Саҳнада "Эски шаҳар оҳанглари" янги концерт дастури устида қизғин иш олиб борилмоқда. Биз янги театр жамоасига ижодий ютуқлар ва парвозлар тилаймиз.

Жўра МАҲМУДОВ.

Спортимиз юлдузлари

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИ БЎЛИБ, ЖАҲОНГА ТАНИЛМОҚЧИМАН

ЯҚИНДА велопойга спорти бўйича жаҳон чемпиони, чирчиқлик Фотимахоним Галиулина билан вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Бахром Ғофуровлар таҳририятимизга меҳмон бўлиб келишди. Фурсатдан фойдаланиб, Фотимахоним билан суҳбатда бўлдик.

— Генералликни орзу қилмаган аскар — аскар эмас, спортчиларнинг ибораси билан айтганда чемпионликни кўзламаган спортчи бўлмаса керак. Бироқ, бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Сизга эса насиб этибди. Бундай зафарга осонликча эришмаган бўлсангиз керак?

— Биласизми, ҳар бир йигит учун Ватан олдидаги хизматни ўташ муқаддас бурч саналади. Спортга эса ошуфта бўлган йигит-қизнинг ҳар бири, албатта, у ёки бу таниқли спортчилардек шуҳрат қозонгиси келади. Аммо, ҳамма ҳам бунга муваффақ бўлавермайди. Лекин, менимча ҳар бир инсон учун, энг аввало, саломатлик, тансиҳатлик қадрлидир. Спорт эса ана шу сиҳат-саломатлик калитидир.

Спортга ошно бўлганларнинг бирортаси ҳам ютқазмайди, деб ўйлайман.

— Илк қадамларингиз, дастлабки устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Боғчага қатнаганимдаёқ ажралиб турардим. Кейинчалик мактабда ўқиб юрган кезларимда гимнастика ва сузиш билан шуғулландим. 14 ёшимда катта акам Жафар мени велопойгачилар устози Алберт Искандеров тарбиясига топширгач, бу спорт турини бир умрга севиб қолдим. Ҳар куни 100-150 километрлаб йўл босиш, гоҳо-гоҳо ёмғирли ва қировли кунларда ҳам мураккаб йўлларда машқ қилиш туфайли тажриба орттира бордим.

— Илк ғалабага қачон эришгансиз?

— Уч йилдаёқ оддий хаваскор спортчидан чемпионлик шоҳсупасига кўтарилдим. 1986 йили Украинанинг Черновци шаҳрида СССР халқлари спартакиадаси ўтказилди. Дугоналарим Зулфия Забирова, Ирина Орехова, Ирина Осипченко ва бошқалар билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, спартакиада чемпиони бўлдик.

— Пойганинг қайси турларини ёқтирасиз, қайси тури бўйича ихтисослашгансиз?

— Шахсий ёҳуд яккама-якка бўлиб мусобақалашишни афзал кўраман. Биласизми, шунда ўзимни эркин ҳис этаман. Атрофимда рақиб бўлмайди. Бу турли жароҳатланишларнинг олдини ҳам олади. Бутун фикру зикрим бир нарсага — қандай бўлмасин маррага тезроқ етиб боришга қаратилади. Бундай кезларда спортчининг рақиби дақиқа ва сониялардан иборат бўлади. Гуруҳ пойгасида ҳам эришаётган натижаларим чакки бўлмаяпти.

— Биласизми, Фотимахоним, спорт мухлислари, қолаверса, ўзим ҳам машҳур спортчиларнинг дунё кезишига ҳавасим келади. Сиз қайси ўзга юртларда бўлгансиз?

— Италия, Франция, Олмония, Австрия, Корея, Малайзия... Йигирмага яқин мамлакатда бўлганман. АҚШ билан Австралияни кўриш орзусидаман.

— Энди ҳаётингизда алам қилган мағлубият ва эсдан чиқмайдиган кун ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўтган йилнинг июль ойида Сеулда Осиё биринчилиги ўтказилди. Ниятим, фақат ғалаба қозониш, ғолиб келганда ҳам чемпионликни қўлга киритиш эди. Жуда яхши спорт формасида эдим. Бахс бошланишиданоқ пешқадамликни қўлга олдим, марра сари дадил интилардим. Ярим чақиримча қолганда шивалаб ёғаётган ёмғир таъсир қилдими, велосопедим билан тойиб йиқилсам бўладими, аввалига гангиб қолдим. Нима қилиш керак? Техник ёрдамни кутсам қимматли дақиқаларни бой бераман. Рақибларим ҳам яқинлашиб қолаяпти. Шунда шинаси ёрилган велосипедда бутун жон жаҳтим билан марра сари интилдим. Жароҳатим ҳам кўзимга кўринмади. Кейин билсам еттинчи бўлибман.... Ўзингга боғлиқ бўлмаган ҳолда ғалабани қўлдан чиқариш жуда-жуда алам қилар экан.

Кейинчалик мағлубият сабаб бўлдими ёки ўзим тушкунликка тушдимми, ҳайтовур, спорт билан хайрлашмоқчи бўлдим. Шунда устозим Баҳодир Мўминов, қолаверса, республика велоспорт федерацияси, МҲСК спорт клуби раҳбарлари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мутасаддилари менда спортга қайта иштиёқ уйғота олдилар. Иккиланган ва оғир кунларимда улар менда умид учқунларини қайта аланга олдиришда кўмак бердилар. Бугун жаҳон чемпиони деган юксак унвонга мушарраф бўлган эканман, энг аввало, уларнинг кўмак ва мададларини таъкидлаб ўтишни жоиз деб билардим. Ўтган йилнинг 17-декабри ҳаётимда унутилмас кун бўлиб қолса ажаб эмас. Малайзиянинг Ипох шаҳрида 34 мамлакатдан келган 58 пойгачининг ўртасида 25 километрлик масофага ўтказилган шахсий пойгада 36 дақиқа вақт кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритдим. Ғалабам шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳиямиз янгради.

— Режаларингиз ҳақида икки оғиз гап...

— Шу йилнинг декабрь ойида Бангкокда олимпиада йўлланмалари учун саралаш беллашувлари ўтказилади. Декабрь мен учун омадли ой. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, асримиз охирида бўладиган Сидней олимпиадасида иштирок этиш ниятидаман.

***

Ватанимиз спорт юлдузларидан бири ҳисобланган Фотимахоним — Чирчиқлик Зайнаб опа ва Қосим акаларнинг ёлғиз қизи. У айни куч-қувватга тўлган пайти. Унга ўзи орзу қилганидек, жаҳонга донг таратиш ва Ўзбекистон спорти довруғини оламга ёйишда омадлар тилаймиз.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ХОРИЖДА МАЛАКА ОШИРИШАДИ

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси тизимидаги барча ўқув муассасаларида Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига кўра ўқитувчилар малакасини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Муаллимлар гуруҳларга ажратилиб, вилоят ўқитувчилар малака ошириш институтида соҳалар бўйича ўқитиш бошлаб юборилди.

Айни пайтда бошқарма ҳамда АҚШнинг "Акселс" билим ташкилоти Тошкент бўлими ҳамкорлигида бир гуруҳ инглиз тили ўқитувчиларини малака ошириш мақсадида хорижга юбориш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Тест синовлари чоғида уларнинг билим савиялари билан биргаликда бошқа жаҳон фанларидан хабардорлиги ҳам ҳисобга олинади.

Саид ВАЛИЕВ.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда 11-13 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундуз кунлари эса 6-11 даража илиқ бўлади.

Солиқчилар фош этади

АЛДАГАН УЗОҚҚА БОРМАС...

СОЛИҚЧИЛАРНИ идорада кам кўрасиз. Эрта билан бирров келишади-ю, тезда топшириқларни олиб, яна жойларга чиқиб кетишади.

Бажариладиган ишлар кўлами кенг. Оққўрғон туманида 82 минг аҳоли яшайди. Рўйхатдан ўтган 585 та корхона ва ташкилот фаолият кўрсатяпти. Юзлаб савдо шаҳобчалари, бозорлар, устахоналар ишлаб турибди. Ер солиғи бўйича 14 минг 486, мол-мулк солиғи бўйича 13 минг 386 хўжалик, транспорт солиғи бўйича 1152 киши рўйхатга олинган. Салкам 800 киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланяпти. Хўжаликлар, тадбиркору тижоратчилар солиқ қонунчилигига қандай риоя этишаётганлигини назорат қилиб бориш нозирлик ходимлари зиммасига юкланган. Шу боисдан ҳам уларда тиним йўқ.

Савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини назорат қилувчи бўлим ходимлари ҳозиргина навбатдаги текширувдан келишди. Бу гал улар аҳолига савдо хизмати қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқдилар.

Олдинги текширувларда ҳам солиқчилар кўпгина камчиликларни фош этишган эди. Улар "Султонобод" жамоа хўжалигидаги "Наврўз" хўжалик ҳисобидаги савдо корхонасига қарашли 13-дўконда ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлган эдилар. Дўкон мудири Фозил Ширинов бир харидорга хизмат қилиб, солиқчилар кўзи олдида 150 сўм уриб қолди. Суд қарори билан эгри қўл мудирга 42 минг сўм жарима солинди.

Шунга ўхшаш ҳолатлар корхонанинг бошқа дўконларида ҳам кўзга ташланди. 1-дўкон мудири Э. Турсунқулов бир харидорни 89 сўмга "туширган" пайтда ушланди. Солиқчилар тўплаган материалларни туман суди ўрганиб чиқиб, юлғич мудирни бир йилу олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. Ишлаб топган маблағининг 25 фоизи давлат ҳисобига ўтказиб бориладиган бўлди.

— Ходимларимиз ўтган йили турли йўналишлар бўйлаб 156 та текширув ўтказишган бўлса, шундан 133 тасида ҳар хил қонунбузарликлар мавжудлигини аниқладилар ва айбдорларга нисбатан тегишли чораларни кўрдилар, — дейди бўлим бошлиғи Қамариддин Холтўраев. — Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамаси аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобда назорат касса-машиналаридан фойдаланиш шартлиги ҳақида махсус қарор қабул қилганига уч йилдан ошиб қолди. Ҳамон айрим савдо корхоналари раҳбарлари бу қарорни бажаришда суст кашлик қилаётганлиги бизни афсуслантирмоқда.

Солиқчилар ўтган текширувларнинг бирида "Дилшод" хусусий фирмасида нақд пул назорат касса-машинасидан ўтказилмаётганлиги маълум бўлган эди. Шунда фирма директори Тоҳир Дўсматов тавба-тазаррулар билан қутилиб қолган эди. Лекин, солиқчилар ўтказган тақрорий текширув пайтида ўша камчилик яна кўзга ташланди. Шундан сўнг тўпланган материаллар судга оширилди ва суд қарори билан қонунбузар директорга 30 минг сўм жарима солинди.

Назорат касса-машиналаридан фойдаланишнинг аҳволи ўтган йили 39 марта текширилди. Шундан 29 тасида нақд пуллар назорат касса-машиналаридан ўтказилмай, бошқа мақсадларга сарфланаётганлиги маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига зид иш қилган "Феруза" хусусий савдо корхонаси раҳбари С. Усмонов, "Нилуфар" хусусий савдо корхонаси раҳбари Б. Йўлдошев, "Умид" хусусий корхонаси раҳбари В. Тен ва бошқа қонунбузарлар шундай қилмишлари учун 3000 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳамиша Оққўрғон туман солиқчилари диққат марказида турибди. Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркасини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган назорат ишлари бунга ёрқин мисолдир. Кейинги кунларда солиқчиларнинг ҳушёрлиги билан акциз маркасисиз сотилаётган 117 шиша спиртли ичимлик ва бир талай сигареталар қўлга олинди.

Солиқчилар "Жамшид" кичик корхонасига қарашли дўконни кўздан кечирганларида 43 шиша акциз маркасисиз вино, анчагина "Роял" спирти чиқди. "Нишон ота" кичик корхонаси дўконида ҳам қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган вино ва коньяклар хуфя йўллар билан савдо қилинаётганлиги маълум бўлди. Акциз маркасисиз маҳсулотларнинг ҳаммаси мусодара қилинди, қоидабузар сотувчилар жаримага тортилди.

Нозирлик ходимлари солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш йўлида қатъият билан олиб бораётган ишлари туфайли туманда солиқ ва мажбурий тўловларни бюджетга ундириш бўйича белгиланган башорат кўрсаткичлари мунтазам бажариб келиняпти. Ўтган йили бу соҳадаги топшириқлар 104 фоизга адо этилган бўлса, янги йилнинг дастлабки ойи режаси 113 фоизга уддаланди. Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Солиқчилар ўтган йили турли соҳалар бўйича 234 та текширув ўтказишган эди. Шундан 173 тасида солиқ қонунчилиги бузилаётганлиги аниқланди. 57 ҳолатда даромадлар яширилганлиги маълум бўлди. Бундай ғиромлик билан солиқчилар ҳеч қачон муроса қила олмайди. Текширувлар давомида 13 миллион 530 минг сўм қўшимча ҳисобланди ва 15 миллион сўм жарима қўлланилди. 223 мансабдор шахс эса 659 минг сўм жаримага тортилди. Ундирилган маблағ маълум миқдорда бюджетни бойитди, режаларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлади.

Лекин туманда солиқ ва мажбурий тўловларни яна ҳам тўлароқ ундириш имкониятлари бор. Қатор корхоналар бюджет билан ҳисоб-китоб қилишда ҳамон оқсамоқдалар. Ўтган йили солиқчилар олдидаги қарзлари 44,5 миллион сўмга яқинлашиб қолган 45 та корхона ва ташкилотга тўлов талабномаси йўлланган эди. Талабномадан сўнг айрим корхона ва ташкилотлар боқиманда қарзларидан узилиш чораларини кўрдилар. "Шерзод" кичик, "Али" жамоа, "Мирзо Мамат" хусусий корхоналари бюджет билан ҳисоб-китоб қилдилар.

Туман солиқчилари бюджет даромад қисмини бойитишнинг яна бошқа чораларини ҳам кўришяпти. Туманда 3 та бозор бор. Лекин, уларда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам рухсатномага эга, деб бўлмайди. Шу боисдан солиқчилар ҳар бир тижоратчи фаолиятини пухта назорат остига олганлар. Назорат кучайган сари тижорат ишлари ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан рухсатномасиз шуғулланувчилар сони камайиб боряпти. Демак, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар миқдори бундан буён яна ҳам кўпаяди.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Ташкилот
- Бэйджлар
- Визиткалар
- Таклифномалар
- Бланкалар
- Табрик папкалари
- Гувоҳномалар
- Дипломлар

Энг арзон нархларда

Тайёрлаб беради
Тел.: (371)136-53-54
Пэйдж.: (067) 40-87

Бэйдж

© РИА «Тошкент-Таймс»

ТИМ LTD
ОВРУПО ва АМЕРИКАДАН қурилиш материалларини олиб келиб сотади
Телефон: 78-97-43
© РИА «Тошкент-Таймс»

SHIMOL - SERVIS
Тезкор, сифатли кафолат билан
Муздатгичлар, совутгичларни созлаймиз
Ташкилотлар билан техник хизмат кўрсатиш ва созлаш ишларини бажариш учун шартномалар тузамиз.
Созланган БК совутгичларини, ФРЕОН- 12 сотамиз
Тел.: (3712) 45-10-69, 45-06-82
© РИА «Ташкент-Таймс»

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «KOMCAP» ишлаб чиқариш тижорат хусусий фирмаси «KOMSAR» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилганлиги муносабати билан «KOMSAR» очиқ акциядорлик жамияти бундан буён «KOMCAP» ишлаб чиқариш тижорат хусусий фирмасининг ҳуқуқий вориси бўлиб ҳисобланиши ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: 78-53-27, 78-43-08.

«ҒАЗАЛКЕНТ КОНСЕРВА ЗАВОДИ» жамоа корхонаси «ҒАЗАЛКЕНТ» фирмаси номи билан ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.
Телефонлар: (274) 22-305, 28-447.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-01049. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ. Адади 16.362 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6